

“Келишилган”

Тошкент шаҳар каналлардан  
фойдаланиш ва уларга туташ  
қирғоқларини ободонлаштириш  
инженерлик бошлигининг биринчи  
инженери



М. Хўжабеков

2022 й.

“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона  
буюртмачи хизмати” ИК  
бош муҳандис и.б.



С. Сағдиев

2022 й.

“Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидан оқиб ўтувчи “Қорасув” канали  
қирғоқларини мустаҳкамлаш, ободонлашатириш ва сайилгоҳ ташкил этиш”.

(Охангарон шох кўчасидан Дўстлик боғигача бўлган қисмида)


### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Объектнинг номланиши	“Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидан оқиб ўтувчи “Қорасув” канали қирғоқларини мустаҳкамлаш, ободонлашатириш ва сайилгоҳ ташкил этиш”.
2. Буюртмачи	Тошкент шаҳар ҳокимияти “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, манзил:100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,16а уй.
3. Лойихалаштириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 августдаги “Тошкент шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 553-сонли қарори
4. Бош лойиҳа ташкилоти	Танлов савдолари орқали аниқланади.
5. Лойихалаштириш босқичи	Ишчи лойиҳа
6. Қурилиш майдони характеристикаси (сейсмикаси, ер чўқувчанлик грухи ва бошқалар)	Сейсмиқлик даражаси- ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул килинади. Ер чўқувчанлик муҳандислик ва геология асослари орқали аниқланади.
7. Объектнинг жойлашган худуди	Яшнобод туманидан оқиб ўтувчи “Қорасув” канали
8. Объектнинг лойихавий қуввати	Умумий узунлиги – 17.8 км. Капитал таъмирлаш – 1.5 км. (аниқ узунлигига топогеодезия ишлари даврида аниқлик киритилади).
9. Қурилиш тури	Капитал таъмирлаш

10. Бош худдатчи	Тендер савдолари оркали аниқланади.
11. Қўйидаги лойиҳа ташкилотлари ЛСХ ишлаб чиқиш ташкиотида иштирок этиши учун руҳсат этилади.	<p>Таснифий лицензияга эга бўлганлар-III тоифа, шунингдек маъмурий қурилиш объектлари учун ЛСХ ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўлганлар;</p> <p>Қамада 3 йил давомида маъмурий бино ва иншооти ЛСХ объектларини ривожлантириш бўйича узвий тажрибага эга бўлганлар;</p> <p>Охириги 3 йил давомида молиявий кўрсаткичлар (айланма маблағлар) қамада 3,0 млрд. сумни ташкил этиши лозим; 15 кадрдан кам бўлмаган профессионал ходимларнинг тўлиқ тўплами, (қундузги жадвал, ходим дипломларининг нусхалари илова қилинади).</p>
12. Асосий кўрсаткичлар ва техник талаблар	<p>Объектнинг мураккаблик даражаси II-тоифа (категория) (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.01.2016й.даги 15-сонли қарори, 2-илова, 30.1. банд 3- қисм).</p> <p>Лойиҳада дарахтларни кесишга йўл қўйилмасин.</p> <p>Канални капитал таъмирлаш ишларининг асосий параметрлари:</p> <p>“Тошкент шаҳар, Яшнобод туманидан оқиб ўтувчи “Қорасув” канали кирғокларини мустаҳкамлаш, ободонлаштириш ва сайилгоҳ ташкил этиш” кўзда тутилган.</p> <p>Ушбу канал режа бўйича трапедция шаклида жойлашган бўлиб, сув ўтказиш қобилияти <math>Q_{ин\ кам}=0.5\text{ м}^3/\text{сек}</math> <math>Q_{урт}=5.5\text{ м}^3/\text{сек}</math> <math>Q_{ин\ кун}=8.5\text{ м}^3/\text{сек}</math> ни ташкил этади.</p> <p>Каналнинг туби ва иккала ён қисми ҳамда ҳар иккала кирғок минтақасини бетон қоплама билан қоплаш.</p> <p>Канал кирғок минтақасида амалга ошириладиган ишлар:</p> <p>Канал кирғок минтақасини ҳар иккала томонини 5 метр қисмини бетонлаш шундан, 2 метр қисми велойўлакча йўлаги:</p> <p>2 метр велойўлакчани кизил қармада қармаш;</p> <p>Каналнинг кирғок минтақасида ўлчами 20x20 см бўлган хавфсизлик панжараси пойдевори учун темир бетон қоринмадан фойдаланиш;</p> <p>Баланглиги 60 см бўлган хавфсизлик панжараси ўрнатиш;</p> <p>Ҳар 30 метр масофада ўриндиклар ўрнатиш;</p> <p>Ҳар 30 метр масофада чиқинди қутиси ўрнатиш;</p> <p>Ҳар 20 метр масофага ёритиш чироғи ўрнатиш;</p> <p>5 метрдан кейин бетон бардиорлар ўрнатиш керак.</p> <p>Замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш зарурлиги ҳисобга олинсин.</p>
13. Ташқи муҳандислик иزلанишлар зарурияти	АРГ-1,2 қисм, атроф муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва ҳулоса, муҳандислик-қидирув ишлари ҳужжатлар (топоҳарита, Геология) лойиҳа ташкилоти тамонидан (шартнома шартлари асосида) бажарилади.


14. Молтиланштириш манбан	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари.
15. Қурилишни бошлаш ва тугаллаш муддатлари	2022 йил.
16. Энергия сарфи бўйича талаблар.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 2 июндаги 161 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343 сонли қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 октябрдаги 161 сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981 сонли қарори.
17. Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича талаблар.	Атроф-муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳа ва хулоса бош лойиҳачи тамонидан тақдим этилади.
18. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли ташкилотлар билан келишилсин.	Бош режа ва бинонинг фасад қисми Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси билан келишилсин. Лойиҳа бўйича қарорлар зарур бўлган ташкилотлар билан келишилсин жумладан Санитария-эпидемиология хизматлари, УПБ ИИВ, ГИ “Ўзгосэнергонadzор” ДИ.
19. Ерларни рекултивация қилиш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талаблар	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда сувғориш ишлари кўзда тутилсин.
20. Қурилишни ташкиллаштириш лойиҳаси.	ШНҚ 1.13.08-06 ва бошқа турдаги норматив ҳужжатлар талабларига асосан бажарилсин.
21. Фавқулотда вазиятлар ва фавқулотда вазиятлардан огоҳлантириш талаблари	Фавқулотда вазиятлар бошқармасининг норматив ҳужжатлари талабларига асосан бажарилсин.
22. Буюртмачига топшириладиган лойиҳа-смета ҳужжатлари таркиби	ШНҚ 1.03.01-08 п 2.9. Ишчи лойиҳа ушбу топширик талабларига биноан қабул қилинади. Ишчи лойиҳаси 3 нусxada ва электрон вариантда (PDF) амалдаги стандартлар бўйича буюртмачига топширилиши лозим смета ҳужжати 1 нусxada китоб ва электрон шаклда (диск).

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, бирламчи руҳсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи



Ш. Қодиров

БРБЛ ва ГХТ бўлими бош мутахассиси



Х. Юсунов